*КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!*

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ УЧУН КУРАШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми Коммунистик партия фаолиятида, бутун совет халқи ҳаётида зўр тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди. Пленум бутун диққат-эътиборни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг актуал проблемаларини ҳал этишга, капитал маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, меҳнаткашларни КПСС XXV съезди белгилаган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга сафарбар қилишга қаратди.

Пленум қишлоқ хўжалигини ҳамда уни индустриялашни ва фан-техника тараққиётини таъминлайдиган тармоқларни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди, қишлоқдаги социал-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш учун кенг имконият очди. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумидаги докладида ўртоқ Л. И. Брежнев уқтириб ўтганидек, «бу нарса ўн биринчи беш йиллик планни ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалигини экономиканинг юксак даражада ривожланган секторига айлантириш юзасидан партия ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун принципиал аҳамиятга эга бўлади».

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг ҳужжатлари муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, Лениннинг аграр масала хусусидаги таълимотига катта ҳисса қўшади. Пленумнинг принципиал йўл-йўриқлари ва хулосаларини ишлаб чиқишда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг роли катта бўлди.

## I.

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми Коммунистик партиянинг ҳозирги аграр сиёсати асосларини белгилаб берган эди, бу асослар Марказий Комитетнинг шундан кейинги Пленумларида ва партия съездларида чуқурлаштирилди ҳамда ривожлантирилди. Партия ишлаб чиқилган йўлдан қатъият билан олға бориб, кўпгина аграр проблемаларни ҳал этишга муваффақ бўлди. Ўтган ўн икки йил мобайнида қишлоқнинг иқтисодий ва социал ривожида олға томон катта қадам қўйилди. Деҳқончилик ва чорвачилик ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 1971—1977 йилларда Марказий Комитетнинг 1965 йилги март Пленумидан аввалги ана шундай даврга нисбатан сал кам 35 миллиард сўмлик миқдорда ёки 1,4 баравар кўпайди. Дала ҳосилдорлиги ва ферма маҳсулдорлиги анча ошди. Чунончи, дон етиштириш йилига ўрта ҳисобда 61,5 миллион тонна, қанд лавлаги — 25, пахта — 3, картошка — 5,5, сабзавот етиштириш 6,8 миллион тонна ортди. Ҳозир мамлакат ўн икки йил аввалгига қараганда 4,8 миллион тонна кўп гўшт ва 25 миллион тонна кўп сут олмоқда.

Ана шуларнинг ҳаммаси совет кишиларининг фаровонлигини оширишга сезиларли таъсир қилди: юқори сифатли маҳсулот истеъмол қилиш ошди, озиқ-овқат структураси яхшиланди. Аҳоли 28 миллион кишидан зиёд кўпайган бўлишига қарамай, мамлакатда жон бошига гўшт истеъмол қилиш 1965 йилдаги 41 килограммдан 1977 йилда 57 килограммга етди, сут истеъмол қилиш 71 килограммга, сабзавот 17, мева 13 килограмм, тухум истеъмол қилиш юз дона миқдорида кўпайди.

Маълумки, бундай силжишлар ўз-ўзидан содир бўлгани йўқ. Улар — партия комитетларининг катта ташкилотчилик ва сиёсий-оммавий ишлари, деҳқонлар, ишчилар, зиёлиларнинг ғайрат билан қилган меҳнати натижасидир. Шаҳар ва қишлоқ меҳнатчиларининг бирлашган куч-ғайратлари туфайли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашни кучайтириш, унинг моддий-техника базасини, аввало механизациялаш, химиялаш ва ерларни мелиорациялаш суръатларини тезлаштириш ҳисобига анча мустаҳкамлаш мумкин бўлди.

Партия билан ҳукумат мамлакатнинг умумий иқтисодий потенциалидан анча кенг фойдаланиш, миллий даромад тақсимоти пропорцияларини қишлоқ хўжалиги фойдасига ўзгартириш йўлини тутишни мақсадга мувофиқ деб топдилар. Совет ҳокимиятининг ҳамма йиллари давомида бу тармоққа сарфланган 385 миллиард сўмдан 277 миллиард сўми ёки деярли тўртдан уч қисми кейинги ўн икки йилга тўғри келади. Давлатнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг муттасил юксалишини таъминлаши лозим бўлган индустриал комплексни ҳосил қилувчи саноат тармоқларига ҳам сарфлаётган маблағлари анча кўпайди.

Кўрилган тадбирлар туфайли қишлоқ хўжалик корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳозир 1965 йилги даражадан 2,8 баравар ошиб кетди. Хўжаликларнинг энергетика қувватлари 232 миллион от кучидан 525 миллион от кучига етди, ҳар бир ходим меҳнатининг энергия билан таъминланиши 2,5 баравар ортди. Моддий техника ресурслари етказиб бериш кўпайтирилганлиги дала ва фермалардаги меҳнат унумдорлигини анча ошириш имконини берди. Ўн икки йил мобайнида меҳнат унумдорлиги 1,7 баравар кўтарилди, бу эса йилига 16 миллион кишининг меҳнатини тежаб қолишга тенг келади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, унинг самарадорлигини оширишда ишлаб чиқаришни кенг миқёсда химиялаш ва ерларни мелиорациялашнинг аҳамияти муҳим. Қишлоққа минерал ўғит етказиб бериш 27 миллион тоннадан 77 миллион тоннага етди. Мелиорация қилинган ерлар майдони деярли икки ҳисса кўпайиб, 27 миллион гектарга етди. Ҳозир бу ерлар деҳқончилик жами ялпи ҳосилининг чорак қисмидан кўпроғини бермоқда.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни интенсивлаш билан бирга жамиятнинг бош ишлаб чиқарувчи кучида — ишчи кучида, қишлоқ кадрларида ҳам чуқур ўзгаришлар рўй берди. Мутахассислар билан механизаторларнинг сони ва малакаси муттасил ортмоқда. Ҳозир бир хўжаликка ўрта ҳисобда 29 нафар дипломли агроном, зоотехник, инженер, экономист тўғри келмоқда. Ишлаб чиқаришда машғул бўлган ҳар беш кишининг бири механизатордир. Механизаторлар жами 4,2 миллион кишидан ошиб кетди, улар қишлоқдаги ҳал қилувчи куч бўлиб қолди.

Ўтган йилларда колхоз ва совхозларнинг экономикасида, қишлоқларнинг социал қиёфасида катта ўзгаришлар рўй берди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва харид қилишни планлаштириш ҳамда иқтисодий рағбатлантиришни такомиллаштириш чоралари кўрилди. Совхоз ва колхоз ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш анча ошди, уларнинг пенсия таъминоти ва социал страхованиеси яхшиланди. Қишлоқдаги уй-жой ва маданий-маиший қурилиш кенгайтирилди.

Экономиканинг аграр секторида эришилган муваффақиятлар шубҳасиз. Бироқ, Марказий Комитетнинг 1978 йил июль Пленуми таъкидлаб ўтганидек, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг умумий даражаси жамиятнинг тез ўсиб бораётган эҳтиёжларига ҳамон жавоб бера олмайди. Бу тармоқда кўпгина камчиликлар ва танглиқлар бор. Қишлоқнинг моддий техника базасини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш ва унинг самарадорлигини ошириш, шу тариқа яқин вақт ичида совет кишиларининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг эса хом ашёга бўлган эҳтиёжларини анча тўлиқроқ қондириш соҳасида зўр ғайрат билан ҳаракат қилишга тўғри келади.

## II.

Ўтган йилларнинг тажрибаси, эришилган натижалар Ленин партияси ҳозирги аграр сиёсатининг илмий асосланганлиги ва ҳаётий кучини яққол исботлаб турибди. Бундан келиб чиқадиган қонуниятли хулоса шуки, Марказий Комитетнинг 1965 йил март Пленуми ва шундан кейинги Пленумлари ҳамда партия съездлари ишлаб чиққан йўлдан бундан буён ҳам зўр сабот билан олға боравериш керак.

«Қишлоқ хўжалиги олдига унинг барча тармоқларини ҳар томонлама, муттасил ривожлантириб мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан ишончли таъминлашга эришиш асосий вазифасини қўймоқдамизки, — дейилади ўртоқ Л. И. Брежневнинг Марказий Комитет Пленумида қилган докладида, — уларни етиштиришнинг ўсиши халқнинг турмуш даражасини бундан кейин анча оширишни таъминлай оладиган бўлсин. Шу билан бир вақтда биз шаҳар билан қишлоқнинг моддий ва маданий-маиший турмуш шароитини яқинлаштириш вазифасини ҳал этиш учун кўпроқ куч-ғайрат сарфлашимиз лозим».

Партия шу вазифага асосланиб, ўн биринчи беш йилликнинг энг асосий марраларини ҳозирнинг ўзидаёқ белгилаб олди. Бу ўринда гап аввало ғалла ва гўшт етиштириш тўғрисида боряпти. Ялпи дон ҳосилини йилига ўрта ҳисобда 238-243 миллион тоннага етказиш лозим, 1985 йил охирига бориб эса 19,5 миллион тонна гўшт олиш белгиланди. Дала ва фермаларнинг бошқа маҳсулотлари ҳам кўпроқ етиштирилади. Маҳсулот етиштиришнинг белгиланган ҳажмлари ва уларни абсолют кўпайтириш режалари анча юқори. Шуни айтиш кифоя қиладики, гўшт етиштириш 1977 йилга нисбатан тўрт миллион тоннадан зиёд ошиши лозим.

Белгиланган марраларга эришмоқ учун колхозлар, совхозларнинг, аграр-саноат комплекси барча тармоқларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш зарур. Марказий Комитет июль Пленумининг қарорларида ҳам шу нарса кўзда тутилган. Партия қишлоқ хўжалигига капитал маблағни кўпайтиришдан иборат ўзининг принципиал йўлини бундан буён ҳам давом эттираверади. Мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланаётган маблағнинг умумий ҳажмида капитал маблағнинг салмоғи эришилган натижадан паст бўлмаслиги керак. Айни вақтда план органларига қишлоққа ишлаб чиқариш ва хом ашёни қайта ишлаш воситалари етказиб берадиган тармоқларни жадал юксалтириш учун зарур ресурслар ажратиб беришни таъминлаш топширилди.

Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш йирик проблемалардан биридир. Кейинги йилларда бу соҳада бир талай иш қилинди. Аммо деҳқончилик ва чорвачиликдаги бир қанча ишларни бажариш учун машиналар мутлақо етишмаяпти. Ишлаб чиқаришнинг замонавий талабларига мувофиқ келмайдиган эскирган конструкциядаги техниканинг кўпгина турлари ҳамон ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса меҳнатнинг кўплаб сарф қилинишига, ишларни ўтказиш муддатларининг бузилишига ва пировард натижада маҳсулотнинг нобуд бўлишига олиб боради.

Пленум қишлоқ хўжалигини механизациялашдаги танглиқларга алоҳида эътиборни қаратди ва КПСС Марказий Комитети билан ҳукуматнинг махсус қарорларини маъқуллади. Бу қарорларда белгиланган тадбирлар келгуси беш йилликда энг муҳим экинлар етиштиришни комплекс механизациялашни тугаллаш, фермалардаги, озуқа ишлаб чиқаришдаги қўл меҳнатини имкони борича қисқартиришга йўл очади. Далачилик ва чорвачиликдаги ишларни механизациялаш учун керакли техникани етказиб беришнинг умумий ҳажми 31 миллиард сўмликка етади ёки шу беш йилликдагига нисбатан деярли 1,4 баравар кўпаяди. 1981-1985 йиллар мобайнида хўжаликларга 600 мингта дон комбайни юборилади. Шу комбайнларнинг умумий парки анча кўпаяди, бу эса бошоқли экинлар ҳосилини йиғиштириб олиш муддатларини икки ҳисса қисқартириш имконини беради. Бошқа экинлар етиштиришни механизациялаш учун анчагина миқдорда машиналар етказиб берилади. Шу туфайли қанд лавлаги ковлаб олишга ҳозир сарфланаётган 22 кун ўрнига 12 кун кифоя қилишини мутахассисларнинг ҳисоб-китоблари кўрсатиб турибди. Картошка ҳосилини йиғиштириб олишни механизациялаш даражаси 40 процентдан 85 процентга, карам ҳосилини йиғиштириб олишни механизациялаш даражаси 75 процентга ва помидор ҳосилини йиғиштириб олишни механизациялаш даражаси 40 процентга етказилади.

Яқин йилларда тракторлар етказиб бериш кўпайтирилади, машиналарнинг қуввати оширилади. Янги серунум тракторларнинг намуналари яратилади, тиркама ва осма қуролларнинг қамрови кенгайтирилади. Партия қишлоқ учун керакли транспорт проблемасини ҳал этишга катта аҳамият беряпти. Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ихтисослаштирилган ва кўп юк ортувчи автомобиллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини химиялаш бу тармоқни янада ривожлантириш соҳасида белгиланган программанинг муҳим бўғинидир. Ўн биринчи беш йилликда ўғит элтиб беришни 135-140 миллион тоннага етказиш кўзда тутилади. Бу 1977 йилдагидан деярли икки ҳисса кўпдир. Ўғитларнинг сифати оширилади, фосфат ўғитлар ишлаб чиқариш кўпаяди. Айниқса Ноқоратупроқ зонада нордон тупроқни оҳаклаш кенг миқёсда ўтказилади. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини етказиб бериш кўпайтирилади. Шу хусусда давлатнинг махсус программасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ниҳоят, Марказий Комитет Пленуми ташкилий соҳада қишлоқ хўжалик органлари системасида марказда ҳам, жойларда ҳам ягона агрохимия хизматини ташкил этишни зарур, деб топди, бу тадбир химиялаш воситаларидан фойдаланишни яхшилаш имконини беради.

Илгари бўлганидек, экинзорларни мелиорациялаш соҳасидаги ишларнинг катта комплекси кўзда тутилган. Суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан фойдаланишни яхшилаш, уларни хўжалик жиҳатидан ўзлаштиришдаги қолоқликни тугатиш — бу соҳадаги марказий вазифадир. Ҳозир КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг топширувига биноан шу соҳада конкрет тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бу тадбирлар Поволжьега ва мамлакатнинг бошқа бир қанча регионларига тааллуқли бўлади.

Марказий Комитет Пленумида партия аграр сиёсатининг энг муҳим таркибий қисми бўлган қишлоқ қурилиши масалалари батафсил кўриб чиқилди. Қишлоқни қайта қуришда анча туб бурилиш қилиш зарур, деб топилди.

Партия қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга катта эътибор бермоқда. Айрим маҳсулотларнинг харид нархлари оширилади, ўтган йилларда ноқулай об-ҳаво шароитларидан зарар кўрган бир қанча хўжаликларнинг кредит қарздорлиги учириб юборилди ва кечиктирилди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини планлаштириш ва рағбатлантиришни яхшилаш иши олиб борилмоқда, моддий рағбатлантиришнинг меҳнат натижалари билан, фондлар ва моддий резервлардан фойдаланиш билан алоқаси кучайтирилмоқда. Деҳқонларнинг ўз шериклари билан ўзаро муносабатлари такомиллаштирилмоқда. Хўжаликлараро кооперация ва аграр-саноат интеграцияси негизида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш проблемаларига алоҳида эътибор берилди. Марказий Комитет Пленуми меҳнат ва ишлаб чиқаришни хўжаликлараро асосда бундан буён ҳам умумлаштириш қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишнинг кучли омили эканлигини яна бир карра таъкидлади.

## III.

Колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базасини муттасил мустаҳкамлаш дала ва фермалар маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш, қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш учун пухта негиз яратади. Чорвачиликни жадал ривожлантириш — белгиланган программадаги энг муҳим вазифаларнинг биридир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида бундай деб уқтирилган: «мамлакат экономикаси ривожининг бутун бориши, халқ турмуш даражасининг муттасил ўсиши ҳозир чорвачиликни янада тезроқ юксалтириш вазифасини биринчи ўринга чиқариб қўймоқда».

Партия чорва ва парранда маҳсулдорлигини оширишни, тармоқни бошқаришнинг интенсив методларини, унинг сифат кўрсаткичларини яхшилашни гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришнинг асосий йўллари, деб билмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, бу нарса чорва туёғини кўпайтириш соҳасидаги ишларни соқит қилмайди.

Марказий Комитет Пленуми гўшт етиштиришни кўпайтиришни чорвачилик соҳасидаги энг муҳим вазифа, деб белгилаб берди. Мамлакатнинг кўпчилик районларида гўшт ресурсларини кўпайтириш аввало мол гўшти етиштиришни кўпайтириш билан боғланган. Молни боқиб семиртириш муддатларини қисқартириш ва унинг гўштга топшириладиган вазнини 400—450 килограммга етказиш ва ундан ҳам ошириш бу соҳадаги бош масаладир. Гўшт чорвачилигининг мустақил ихтисослаштирилган тармоғини ташкил этиш ишини зўр ғайрат билан олиб бориш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Чўчқачилик ва гўштбоп паррандачиликни интенсив ривожлантиришга муҳим ўрин берилмоқда. Чорва молларни боқишнинг саноат технологиясидан кенг фойдаланаётган хўжаликлараро корхоналар ташкил этиш йўлидан бундан буён ҳам бораверинш вазифаси қўйилди. Ихтисослаштирилмаган колхоз ва совхозларнинг фермаларида бирталай резервлар бор, шу резервлардан бутун чоралар билан фойдаланиш лозим. Саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга ҳам бу гап тааллуқлидир. Аҳолининг шахсий хўжалиги имкониятларини ҳам эътибордан четда қолдириш ярамайди.

Чорвачиликни юксалтиришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ем-хашак базасининг пухталиги билан белгиланади. КПСС Марказий Комитети билан ҳукуматнинг Пленум томонидан маъқулланган қарорларида ем-хашак етиштириш проблемасини тубдан комплекс ҳал этиш чоралари системаси белгиланган. Бу чоралар ҳамма турдаги ембоп экинлар етиштиришни анча кўпайтиришни, уни тайёрлашда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялашни, уни молга беришга тайёрлашни, ғамлаб қўйилган ем-хашакни яхши асрашни, уни зарур қўшимча моддалар билан бойитишни ўз ичига олади. Дуккакли дон ва мойли экинлар, беда, соя ва шу каби экинзорларни кенгайтириш ҳисобига озуқа миқдоридаги компонентлар, аввало оқсилнинг балансли бўлиши проблемасини ҳал этиш реал асосга қўйилмоқда. 1985 йилга борганда концентратлар ишлаб чиқаришни деярли икки ҳисса кўпайтириш учун омихта ем саноатини жадал суръатлар билан ривожлантириш лозим.

Ташкилий тартибдаги тадбирларга катта эътибор берилди. Колхоз ва совхозларда ҳам, шунингдек хўжаликлараро корхоналарда ҳам озуқа етиштиришга ихтисослаштирилган тармоқ характери бахш этилади. Фермаларни ем-хашак билан таъминлаш хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари ишига баҳо беришдаги энг муҳим кўрсаткичларнинг бири бўлиб қолмоқда.

Чорвачиликни янада юксалтириш билан бирга дон етиштириш қишлоқ хўжалигида аввалгидек зарбдор иш соҳаси бўлиб турибди. Партия ўн биринчи беш йилликда донли экинлар ҳосилдорлиги жиҳатидан мамлакатда ўрта ҳисобда 20 центнерлик даражага, бир қанча йирик ғаллакор районларда эса 35—40 центнерлик маррага чиқиб олиш вазифасини қўймоқда. Ғаллазорларни кенгайтириш баъзи бир районларда муҳим резерв бўлиб қолмоқда. Тариқ, гречиха, жавдар, маккажўхори ҳосилини ошириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиниши керак.

Деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотлари — кунгабоқар, қанд лавлаги, пахта, картошка, сабзавот, мева етиштириш юзасидан анчагина ўсишга эришиш белгиланган. Бу соҳадаги асосий йўл — ҳосилдорликни оширишдан, маҳсулот етиштиришнинг янги технологиясини жорий этишдан, айниқса ҳосилни йиғиштириб олиш пайтида маҳсулотнинг нобуд бўлишини камайтиришдан иборат. Етиштирилган маҳсулотнинг ҳар бир килограмми сақланиб қолиниши, қайта ишланиши, истеъмолчига ўз вақтида, юқори сифатли қилиб етказиб берилиши зарур.

## IV.

Партия раҳбарлигининг анча юқори савияси, омма орасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг бирмунча мукаммал методлари қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун курашнинг янги босқичига мувофиқ келиши лозим. Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область комитетларининг КПСС Марказий Комитети июль Пленуми якунларини муҳокама қилган пленумлари, партия активлари, йиғилишлари айни шу нуқтаи назардан, талабчанликни ва кадрларнинг интизомини ошириш белгиси остида ўтди.

Ишлаб чиқаришни кенг миқёсда интенсивлаш, давлат ва колхозларнинг қишлоқ хўжалигига сарфлаётган маблағи кўпайиб бораётгани ҳар бир коллективнинг иш самарадорлиги ва сифатини янада оширишни объектив равишда талаб қилади. «Партиянинг стратегик шиори — самарадорлик ва сифат учун кураш, — деб таъкидланади Марказий Комитет Пленумининг қарорида, — қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ тармоқлар барча ходимларининг жанговар шиори бўлиб қолиши керак».

Ҳозир қишлоққа, аграр-саноат комплексининг бошқа тармоқларига сарфланаётган моддий ва молия ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш вазифаси биринчи ўринга қўйилмоқда. Барча хўжалик бўғинларида пастдан юқоригача иқтисод ва тежамкорлик учун, маҳсулот таннархини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ҳар томонлама ошириш учун, хўжасизлик ва исрофгарчиликка қарши актив ва қатъиятли кураш авж олдириб юборилиши керак. Коммунистларнинг, барча қишлоқ меҳнаткашларининг асосий диққат-эътибори дала ва фермалар маҳсулдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш юзасидан белгиланган планлар ва мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига қаратилиши лозим.

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорлари қишлоқда ижодий ғайратни янада жўш урдириб юборди. Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари партиянинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлигига амалий иш билан жавоб бериб, илгари қабул этилган мажбуриятларни қайта кўриб чиқдилар ва анча юқори марраларни белгиладилар. Ростовдаги «Гигант» совхози коллективининг ташаббуси билан мамлакатда бу йилги маҳсулотни етиштириш ва сотиш планларини, шунингдек беш йилликнинг уч йили топшириқларини ошириб бажариш учун кенг ватанпарварлик ҳаракати авж олиб кетди. Кўпгина колхоз, совхозлар, бутун-бутун район ва областлар дон сотиш юзасидан оширилган мажбуриятларини муваффақиятли адо этдилар.

Яқинда Винница областидаги Ямполь райони лавлагикорлари ва қанд саноати ходимлари яхши ташаббус билан майдонга чиқдилар. Улар биргаликда мажбуриятлар қабул этишиб, мустаҳкам ҳамкорлик қилиш, лавлаги ҳосилини йиғиштириб олиш, тайёрлаш, асраш ва қайта ишлашнинг ягона комплекс планини амалга ошириш асосида юксак пировард натижаларга эришишга — бу йил ҳар гектар экинзордан 50 центнер оқ лавлаги олишга қарор бердилар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ямполь лавлагикорларига ва қандчиларига йўллаган мактубида уқтириб ўтилганидек, бу ташаббус муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноати тармоқлари ходимларининг социалистик мусобақасини ривожлантиришда янги босқич очади.

Партия ташкилотларининг, совет ва хўжалик органларининг вазифаси ватанпарварлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан, колхозлар ва совхозлар, тайёрлов, транспорт ташкилотлари, қайта ишлаш корхоналари коллективлари белгилаган планларнинг амалга оширилишини қатъий назорат остига олишдан иборат. Ҳозир ҳосилни йиғиб олиш конвейерининг барча бўғинларидаги куч ва воситаларнинг тўғри жойлаштирилиши ҳақида ғамхўрлик қилиш, техникадан омилкорлик билан фойдаланиш, илғор иш усулларини кенг миқёсда ишга солиш муҳимдир.

Келгуси йил ҳосили учун пухта замин яратишга алоҳида эътибор берилиши керак. Кузги экинларни энг яхши муддатларда ва тўла ҳажмда экиб олиш, ерларни шудгор қилиб қўйиш, яхши сифатли уруғлик ғамлаш муҳимдир. Чорвадорларнинг ишлари кўп. Улар қишловга яхши ҳозирлик кўришлари, етарли миқдорда ем-хашак ғамлаб олишлари, фермаларнинг маҳсулдорлигини ҳар томонлама оширишлари лозим.

Ҳозир қишлоқ меҳнатчиларининг иши ва фикри-зикри жорий планларни ва уч йиллик топшириқларни шараф билан бажаришга, умуман ўнинчи беш йилликни бажариш учун яхши замин яратиб қўйишга қаратилган. Бу эса КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан белгилаб берган катта программани муваффақиятли амалга ошириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

**В. КАРЛОВ,**
**КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири.**

(«ПРАВДА» газетасидан).

## *КОММУНИСТЧАСИГА ИШЛАЙМИЗ ВА ЯШАЙМИЗ*

Москваликлардан икки миллиондан ортиқ кишига коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак ном берилган. Пойтахтдаги икки юзга яқин корхона ва ташкилот коммунистик меҳнат коллективи номини олган. Уларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш манфаатлари тўғрисидаги, кишиларни тарбиялаш ҳақидаги астойдил ғамхўрлиги Москванинг барча меҳнаткашлари учун илҳомбахш намуна бўлмоқда.

Бу ерда, Ватанимиз пойтахтида, 20 йил муқаддам меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракати бошланган эди. Пойтахт корхоналари ва ташкилотлари коллективлари, коммунистик меҳнат зарбдорларининг 25 сентябрь куни бўлиб ўтган йиғилиши шу ҳаракатнинг вазифаларига, план ва мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани янада ривожлантириш масалаларига бағишланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин доклад қилди.

Йиғилишда москваликларнинг оммавий меҳнат қаҳрамонлигини кўрсатувчи мисоллар айтиб ўтилди.

Корхоналар ва ташкилотлар коллективларининг вакиллари, коммунистик меҳнат зарбдорлари шаҳарнинг барча меҳнаткашларига мурожаат қилиб, пойтахт халқ хўжалигининг барча тармоқларида 1978 йил планлари ва мажбуриятларини ҳамда умуман беш йилликни сўзсиз бажаришни таъминлаш учун бошланган мусобақани янада кенг авж олдиришга даъват қилдилар.

КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул этилди. (ТАСС).

## *ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО СЕМИНАР*

26 сентябрь куни Тошкентда Осиё мамлакатлари савдо ходимлари касаба союзларининг халқаро семинари ўз ишини бошлади. Бу семинарни ана шу тармоқ касаба союзлари халқаро бирлашмаси халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда уюштирди. Семинарда СССР давлат савдоси ва матлубот кооперацияси ходимларининг марказий касаба союзи қатнашмоқда. Тошкентдаги учрашув шу жиҳатдан муҳимки, Осиё мамлакатлари савдо ходимларининг вакиллари ана шу халқаро бирлашма ташкил топганидан буён ўтган йиллар мобайнида биринчи марта тўпланишди. Семинарда Бангладеш, Ҳиндистон, Ироқ, Ливан, Малайзия, Монголия Халқ Республикаси, Яман Халқ Демократик Республикаси, Совет Иттифоқи, Туркия, Филиппин, Шри Ланка ва Япония касаба союз марказларининг вакиллари иштирок этмоқдалар. Жаҳон касаба союзлари федерацияси ва халқаро меҳнат ташкилотининг вакиллари, тармоқ касаба союзлари халқаро бирлашмаси ижроия бюросининг аъзолари семинарда меҳмон сифатида ҳозир бўлдилар.

Осиё мамлакатларидаги савдо ходимларининг меҳнат шароитлари ва тармоқ касаба союзларининг ҳуқуқларига, халқаро меҳнат ташкилотининг савдо ходимларига тааллуқли турли конвенцияларини ратификация қилиш ва қўлланиш соҳасида касаба союзларнинг фаолиятига бағишланган докладлар семинар муҳокамасига қўйилди.

Умумий мунозара бошланиши олдидан тармоқ касаба союзлари халқаро бирлашмасининг раиси, СССР давлат савдоси ва матлубот кооперацияси касаба союзи Марказий Комитетининг раиси А. Г. Шалаурова нутқ сўзлади. У касаба союзларининг ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш муҳимлигини, қуролсизланиш ва ҳарбий бюджетларни қисқартириш учун, тинчлик, халқаро кескинликни юмшатиш учун биргаликда кураш олиб бориш зарур эканлигини таъкидлади.

Тармоқ касаба союзлари халқаро бирлашмасининг бош секретари Адам Гертинишан (Румыния), Ўзбекистон касаба союз ва савдо ташкилотларининг раҳбарлари семинар қатнашчиларини табрикладилар.

Семинарнинг ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров қатнашмоқда.

Семинар бир неча кун давом этади. (ЎзТАГ).

ВЛКСМ 50 йиллиги номли Андижон трикотаж фабрикасининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли бўёқчиси Турсунали Холматов нормадаги иккита ўрнига бешта бўёқ машинасида ишлаяпти. Бу унга беш йилликни икки ярим йилда бажариш имконини берди. Чапдаги суратда коммунист Т. Холматов.

Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасининг Сергелидаги авиакорхонаси учувчилари халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаол хизмат қиляптилар. Ўнгдаги суратда «МИ-8» вертолётининг экипажи (чапдан ўнгга): командир Б. Митрохин, иккинчи учувчи В. Бондаренко ва борт механик Н. Иванов.

В. Молгачёв ва И. Глауберзон фотолари.





## МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛДИ

«Сурхангидрострой» трестининг коллективи Шеробод магистрал каналида насос станцияси қурилишини ниҳоясига етказиб, СССР Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларини бажарди. Илгари Остона каналида фойдаланишга топширилган насос станциялари ва ўнлаб километр ирригация ва мелиорация шаҳобчалари билан биргаликда бу иншоот гидроқурувчиларнинг уч йиллик иш программасини ташкил этди.

Ҳозир коллектив Тўпаланг гидроузелида ишларни юксак суръатлар билан давом эттирмоқда. Бу гидроузел Денов ва Сариосиё районларидаги катта-катта каналларга сув беришнинг тартибга солинишини таъминлайди.

## БУТУНИТТИФОҚ ВИСТАВКАСИГА

Ўзбек рассомлари, графиклари, ҳайкалтарошларининг йигирма тўртта асари «Советлар мамлакатининг ёш гвардияси» Бутуниттифоқ виставкасига жўнатилди. Бу виставка ВЛКСМнинг 60 йиллиги шарафига Москвада очилади. Комсомолнинг қаҳрамонона ўтмиши, ёшларнинг кундалик меҳнатлари ўзбекистонлик авторлар асарларининг етакчи мавзуларидир.

Республика рассомлари асосан ёш авлодга мансуб вакиллардир. Бунда ёш график Владимир Валиевнинг, сураткашлардан Флорида Гамбарова, Инна Васильева, Саъдулла Абдуллаевнинг асарлари бор.

(ЎзТАГ).

